

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ФОСФОЛЕБЕН

Препаратнинг савдо номи: Фосфолебен

Таъсир қилувчи модда (ХПН): фосфокреатин (Phosphocreatine)

Дори шакли: инфузия учун эритма тайёрлаш учун кукун.

Таркиби:

фаол модда: креатин фосфатнинг натрийли тузи – 1 г.

Таърифи: оқ кристалл кукун.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Юрак касалликларини даволаш учун препаратлар. Юрак касалликларини даволаш учун бошқа препаратлар. Фосфокреатин.

АТХ коди: C01EB06

Фармакологик хусусиятлари

Фосфолебен – миокард ва мушак тўқимасининг метаболизмини яхшиловчи препаратдир. Кимёвий тузилиши бўйича эндоген макроэргик фосфокреатинга ўхшаш. Ишемияга учраган кардиомиоцитлар ва миоцитларнинг сарколеммасини деструкция жараёнига тўсқинлик қилади, хужайра ичига энергия ташилишини таъминлайди. Микроциркуляцияни яхшилаши ҳисобига препарат некроз ва ишемия соҳасининг ўлчамларини камайтиради. Ишемияда ва постишемик реперфузияда антиаритмик самара кўрсатади, бу қоринчаларнинг эктопик фаоллигини камайтириши ва Пуркинье толалари хужайраларининг физиологик фаолиятини сақланиши билан боғлиқ.

Фармакокинетикаси

Тақсимланиши. Вена ичига бир марталик инфузияда препаратнинг қон плазмасидаги максимал концентрацияси 1-3 минут ўтгач аниқланади. Препаратнинг энг кўп миқдори скелет мушакларида, миокардда ва мияда тўпланади. Жигар ва ўпка тўқимасида препаратни тўпланиши жуда оз.

Чиқарилиши. Тез фазадаги ярим чиқарилиш даври 30-35 минутни ташкил этади. Секин фазадаги ярим чиқарилиш даври бир неча соатни ташкил этади. Буйраклар орқали чиқарилади.

Қўлланилиши

Қуйидаги:

- ўткир миокард инфаркти;
- сурункали юрак етишмовчилиги;
- интраоперацион миокард ишемияси;
- қўл-оёқларнинг интраоперацион ишемияси;
- ўткир бош мия қон айланишининг бузилишида;
- спорт тиббиётида: жисмоний зўриқиш синдромини ривожланишини олдини олиш ва экстремал жисмоний юкламаларга мослашишини яхшилаш учун мажмуавий даволашда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Ўткир миокард инфарктида: биринчи суткада венага 2-4 г оқим билан, кейинги 8-16 г ни 200 мл 5% глюкоза эритмасида инфузия усули билан томчилаб, 2 соат давомида юборилади. 2-чи суткада 2-4 г дан в/и томчилаб суткада 2 марта юборилади. Зарурати бўлганида препаратни 2 г дан суткада 2 марта инфузия курсини 6 кун давомида ўтказиш мумкин.

Сурункали юрак етишмовчилигида: 10-14 кун давомида 1-2 г дан суткада 2 марта в/и томчилаб юборилади.

Миокарднинг интраоперацион ишемиясида: Оддий кардиоплегик эритма таркибида 1 л да 3 г микдорида юборилади. Фосфолебенэритма таркибига бевосита ишлатишдан олдин аралаштирилади. Препаратнинг инфузия курсларини 2 г дан операциядан олдин 3-5 кун давомида кунига икки марта, шунингдек операциядан сўнг 1-2 кун давомида ўтказиш тавсия этилади.

Оёқларнинг интраоперацион ишемияси ривожланиши эҳтимолида: операциягача препаратнинг 2-4 г в/и оқим билан, кейинги операция давомида ва реперфузия даврида 8-10 г ни 5% глюкоза эритмасида инфузия қилиш тавсия этилади.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар: Препаратга юқори сезувчанлик

Юрак-қон томир системаси: артериал гипотензия (в/и тез юборилганида) кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Препаратга юқори сезувчанлик;
- Сурункали буйрак етишмовчилигида;
- 18 ёшгача бўлган болалар.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Мажмуавий даволаш таркибида қўлланганида Фосфолебен антиаритмик, антиангинал препаратлар, шунингдек миокарднинг инотроп фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи препаратларнинг самарадорлигини ошишига ёрдам беради.

Махсус кўрсатмалар

Препаратни ишемия белгилари пайдо бўлган пайтдан бошлаб имкон қадар тезроқ қўллаш зарур, бу касалликнинг нисбатан ижобий натижасини таъминлайди.

Фосфолебен юрак фаолиятини бузилишини шошилишч бартараф қилиш учун қўлланилмайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратни хавфсизлиги ва самарадорлиги ҳақида маълумот йўқ

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Препаратни қўлланилиш даврида мураккаб техника билан ишлашда ва автомобиль бошқариш пайтида эҳтиёткор бўлиш зарур.

Болаларда қўлланиши

18 ёшдан кичик болаларда препаратни қўллаш тўғрисида маълумотлар йўқ.

Дозани ошириб юборилиши

Фосфолебен препаратининг дозасини ошириб юборилиши тўғрисида ҳозирги вақтгача хабар берилмаган.

Чиқарилиш шакли

1 г инфузия учун эритма тайёрлаш учун кукун нейтрал рангсиз шиша флаконда.

1 флакондан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

Сақлаш шароити

Қурук, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили.

«ZUMA PHARMA» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Паркент тумани, ЭИЗ «ПАРКЕНТ-ФАРМ»,

Учкўприк кўч. 185

www.zumapharma.uz

Тел: (+998 55) 900 5005

(+998 55) 900 6006